



УДК: 631.584:633,51:633,35:635.65

**ПЛЁНКА ОСТИДА ПАРВАРИШЛАНГАН МОШ, НҲХАТ ВА
ЛОВИЯНИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА 1000 ДОНА ДОН
ВАЗНИ**

Турсунов Авазбек Абдулвохидович қ.х.ф.ф.д

*Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари
илмий-тадқиқот институти Наманган илмий-тажриба станцияси*

<https://orcid.org/0000-0001-6893-7332>

Джўраев Муқимжон Яқубжонович қ.х.ф.ф.д., доцент

Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти,

<https://orcid.org/0000-0002-5977-1147>

Аннотация. Ушбу мақолада ғўза қатор ораларида мош, нўхат, ловияни кўш экин сифатида 166 ва 83 минг туп/га кўчат қалинлигида парвариш қилинганда ўсимликларни ўсиши, ривожланиши ҳамда 1000 дона дон вазнига таъсири келтирилган. Тадқиқотда ғўза қатор орасида парваришланган кўш экинларни кўчат сони кам бўлганда ўсимликларни ўсиб ривожланиши юқори, 1000 дона дон вазни мошда 2,2 гр, нўхатда 12,9 гр, ловияда 7,9 гр га оғир бўлганлиги аниқланди.

Калит сўзлар. Ғўза, мош, нўхат, ловия, ўсиш, ривожланиш, кўчат сони

КИРИШ

Сўнги йилларда Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ислохатлар жаддалик билан амалга ошириб келинмоқда. Айниқса пахта етиштириладаиган майдонларда сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Пахта ҳосилдорликни кўтариш, ғўза парвариш қилинадиган майдонларни



қисқартириб бошқа экинларга ажиратиш орқали аҳолини озиқ-овқатга бўлган талабини қондириш ва иш билан таъминлаш мақсадида амалга оширилмоқда.

Олиб борилаётган ислохатларни натижадорлигини оширишда экинларни етиштиришда чнгича агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга кенг тадбиқ этиш алоҳида ўрин тутаети. Биз ҳам иқлим ўзгариши ва сув танқислиги юзага келиши мумкин бўлган бр вақтда томчилатиб суғориш технологиялари қўллаб бир майдондан икки хил маҳсулот етиштириш имконияти устида тадқиқотлар олиб бордик. Ғўза қатор ораларида қўш экинлар етиштириш технологияси устида маҳаллий ҳамда хорижий тадқиқотчилар томонидан бир қатор изланишлар олиб борилган.

Хитойда ғўза билан биргаликда ҳамкор экинларни экиш кенг ривожланган. Ушбу технологиянинг бир неча усуллардан орқали қўллаб, билан ҳамкорликда буғдой, шоли ёки рапс каби экинлар бирга парваришланадаи. Бу усуллар кўпроқ Хитойнинг жанубий минтақаларида фойдаланиб, юқори ҳосил етиштирилмоқда. Бази бир худудларда буғдойдан 30 ц/га, пахта 30-31 ц/га, рапс билан биргаликда парваришланганда 11,2-15,0 ц/га рапс уруғи ва 22-23 ц/га пахта ҳосили олинмоқда [1].

Америка қўшма шталарида қўш экин сифатида маккажўхори ва сояни 6-8 ва 8-16 қатор қилиб экиш орқали тупроқни шамол таъсирида эрозия бўлишидан сақлаб қолиши нтижасида ҳосилдорлик 20 % га ортган. Ғўза билан бир вақтнинг ўзида бошқа экинлар бирга етиштириш технологияси устида чет эл тадқиқотчилари томонидан қўллаб изланишлар олиб боришган. М.М Саримсақов ва бошқалар [3].

Ғўза билан ҳамкор экинлар етиштириш технологияси Ҳиндистонда бир неча йиллардан буён қўлланиб келинмоқда. Ғўзанин ерёнғоқ ҳамда булғор қалампири билан биргаликда етиштириш усулидан фойдаланиб келинмоқда. Бунда бир қатор дан кейин ўн тўрт қатор ерёнғоқ ёки булғор қалампири экилади [4, 5].



Ғўза билан қўш экинлар экиш тўғрисида маълумотлар жуда кам. Мамлакатимизда ҳам бу йўналишда илмий-тадқиқотлар етарлича эмас [6].

Ғўза билан ҳамкор экин сифатида илдиз мевали экинлар сабзи, шолғом, турп, қизил лавлаги биргаликда етиштиришда қатор оралатиб суғориш ҳисобига йиллик умумий сув сарфини 15-20 % га камайтириб, тупроқдаги гумус ва озуқа элементларнинг сув билан бирга ювилиб кетиши 15-20 % га камайиши ва экин еридан ҳамда суғориш сувларидан самарали фойдаланиш коэффициенти ортиб, пахта ҳосили 8-10 ц/га ортишини таъкидлашган [6].

Юқоридаги тадқиқот натижаларидан кўриш мумкинки, бу технология устида кўпроқ изланишлар олиб боришни таққазо этади.

МАТЕРИАЛ ВА ТАДҚИҚОТ УСЛУБЛАРИ

Тадқиқот Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Наманган илмий-тажриба станцияи майдонларида оч тусли бўз тупроқлар шароитида плёнка остида томчилатиб суғориш технологияси қўлланилган майдонда олиб борилган.

Изланишда ғўза қатор оралрида мош, нўхат, ловияни 60(20x20x20)x10x1 ва 60(30x30)x10x1 экиш схемасида 166 ҳамда 83 минг туп/га қўчат қалинлигида парваришланган. Тажриба 7 та вариант 3 такрорланишда олиб борилиб, ғўзани Бухоро-102, мошни Дурдона, нўхатни Лаззат, ловияни Работ навлари экилган. Тажриба олиб боришда Дала тажрибаларини олиб бориш услублари (УзПТИ-2007) асосида олиб борилган. Олиб борилган кузатувларда қўш экинларни шоналаш, гуллаш ва пишиб етилиш даврларида, бўйи, барги, ҳосил шоҳи, шонаси ва дуккаклар сони санаш орқали амалга оширилди.

ОЛИГАН НАТИЖАЛАР ВА МУХОКАМАСИ

2022 йилда олиб борилган тадқиқотда ўсимликларни шоналаш даврларида мош, нўхат ва ловияни қўш экин сифатида 60(20x20x20)x10x1 ва 60(30x30)x10x1 схемаларда екиб ўсиш ва ривожланиши ўрганилганда катта



фарқ кузатилмади. Яъни, мошни 166 ва 83 минг туп/га кўчат қалинлигида парваришланган вариантларда шоналашдаврида бўйи 15,3-17,1 см, ҳосил шоҳлари 1,0-1,5 дона, барг сони 13,2-14,8 дона, шона 2,8-3,8 донани ташкил этди. Нўхатни кўш экин сифатида 166 ва 83 минг туп/га кўчат қалинлигида парваришланган 3 ва 6 вариантларда бўйи 38,5-41,2 дона, шоҳи 3,3-3,8 дона, барги 511,0-580,0 донани, ловия парваришланган 4-7 вариантларда 13,7-15,9; 2,2-2,4; 9,3-8,4 га тенг бўлиб, кўчат сони кам бўлган вариантларда ўсимликларни ривожланиши юқори бўлганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолат, ўсимликларни гуллаш даврида ҳам такрорланиб, пишиш даврида 166 минг туп/га кўчат сонидан парваришланган мош ўсимлигини бўйи 36,1 см, барг сони 20,3 дона, дуккаклар сони 5,6 донани ташкил этди. 83 минг туп/га кўчат сонидан парваришланган 5 вариантда эса бўйи 41,0 см, барги 24,3 дона, дуккак сони 10,9 донани ташкил этиб, 2 вариантга нисбатан бўйи 4,9 см, барги 3,0 дона, дуккаклар сони 5,3 донага кўп бўлди.

Нўхат ўсимлиги парваришланган 3 ва 6 вариантлард ўсимликлар бўйи 43,8-45,8 см, барг сони 643,3-735,9 дона, дуккаклар сони 14,3-15,9 донага тенг бўлди. Нўхатни 83 минг туп/га кўчат қалинлигида парваришланганда ўсимликларни бўйи 2,0 см га, барги 92,6 донага, дуккаклар сони 1,6 донага ортиқ бўлди. Юқоридаги ҳолат ловия парваришланган 4 ва 7 вариантларда ҳам кузтилиб, кўчат сони кам бўлган вариантлард ўсимликларни бўйи (34,4-35,9) 1,5 см га, барг сони (24,2-27,4) 3,2 донага, дуккаклар сони (5,5-7,2) 1,7 донага ортиқ бўлди.

Ғўза қатор ораларида икки ҳил кўчат қалинлигида парваришланган кўш экинларни 1000 дона дон вазни таҳлил қилинганда кўчат сонига боғлиқ ҳолда ўзгариши кузатилди. Тадқиқотда Мошни 166 ва 83 минг туп/га кўчат қалинлигида парвариш қилинган вариантларда 1000 дона дон вазни 61,8-64,0 граммни, Юқоридагидек икки ҳил кўчат қалинлигида парвариш қилинган нўхат 1000 дона дон вазни 285,6-298,5 граммни, ловияни 166 ва 83 минг туп



кўчат сониди парвариш қилинганда 1000 дона дон вази 317,4-325,3 граммни ташкил этди.

Вўза қатор орасида мош, нўхат ва ловияни икки хил кўчат қалинлигида парваришда кўчат сони кам бўлганда қўш экинларни 1000 дона дон вази 2,2; 12,9; 7,9 граммга юқори бўлганлиги аниқланди.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижаларида ғўза қатор ораларида мош, нўхат, ловияни 166 ва 83 минг туп/га кўчат қалинлигида парвариш қилинганда ўсимликларни ўсиш ва ривожланиши ҳамда 1000 дона дон вази кўчат сонига боғлиқ ҳолда ўзгариши, 83 минг туп/га кўчат сониди парвариш қилинган вариантларда ўсимликларни бўйи, барги, ҳосил шохи ва дуккаклар сони юқори бўлиб, 1000 дона дон вази 2,2; 12,9; 7,9 граммга юқори бўлганлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Валовик О. Китайский вариант. Журнал "Хлопок" 1989, № 2. -б. 17.
2. Мирзаев А, Самандаров Г, Юсупова Ф, Махсадов Х. Турли суғориш усуллари ёрдамида пахта хомашёсини етиштиришда сувдан фойдаланиш самарадорлиги // Агро илм. Тошкент, 2022. -№ 6 (85). -б. 54-58.
3. Саримсақов М.М, Хошимов И.Н, Деҳқонов А.М. Иригация эрозияси ва тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш омиллари // Халқаро илмий-амалий конференция маърузалар асосидаги мақолалар тўплами.-Тошкент УзПИТИ, 2006. –б. 106-109.
4. Тер-Аванесян Д.В. Хлопчатник. “Колос” Моск. 1979. С. 400-402.
5. Устименко-Бакумовский Г.В. Растениеводство тропиков и субтропиков. ВО “Агропромиздат”, Моск. 1989. С. 270-273
6. Шарипов Ш.Ш. Қўш экинлар тўғрисидаги адабиётлар шарҳи. Халқаро илмий-амалий конференция маърузалар тўплами. Тошкент, УзПИТИ, 2010. -б. 204-206.